2017 йил 20 ноябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (13.559)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шуҳрат ва эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган "Шашмақом" ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мақом санъатини ўрганиш ва ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўзбек "Шашмақом"и нота матнларининг нашр этилиши ва уларга мувофиқ равишда мақом куй-қўшиқларининг магнит лентaларга ёзиб олиниши улкан илмий-маданий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, ҳудудларда мақом жамоалари, Ўзбекистон давлат консерваториясида шу йўналишда махсус кафедра фаолият кўрсатаётгани, соҳага оид илмий изланишлар олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Мазкур йўналишда чуқур илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, мақом санъатини радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи орқали мамлакатимизда ва чет элларда тарғиб этиш, мақом устозлари, соҳа олимлари ва мутахассислари, иқтидорли ва истиқболли ёш ижрочилар фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари эътибордан четда қолиб келмоқда.

Юқорида зикр этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарни янги босқичда равнақ топтириш, унинг "олтин фонди"ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг давлат муассасаси шаклида Ўзбек миллий мақом санъати маркази (кейинги ўринларда – Мақом маркази) фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага;

Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага;

Ўзбек миллий мақом санъати марказининг таркибий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбек миллий мақом санъати марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш;

ўзбек мақом санъати мумтоз ва замонавий ижро намуналарининг "олтин фонди"ни яратиш;

халқимиз, хусусан, ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйғуси юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

мақом санъати бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тарғиб қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

мумтоз мусиқа меросимиз намуналарини нотага олиш, мавжуд ёзувларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш, мақом санъатининг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини юртимиз олимлари ва чет эллик мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиб, янги илмий тадқиқотлар яратиш;

мақом санъатининг кўп асрлик ижро йўлларини пухта ўзлаштириб, уларни янгича усуллар билан бойитиб, ёш авлод вакилларига ўргатиб келаётган мақомчилар, мақомшунос илмий-педагог олимлар ва мутахассислар, Мақом маркази ходимлари фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

юртимизда мақом санъати бўйича хорижий етук ижрочиларнинг ўзаро тажриба алмашуви, маҳорат дарслари ҳамда турли халқаро мақом анжуманлари ва танловларини ташкил этиш;

республика ҳудудларида таниқли мақом ижрочиларининг концертларини ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш;

мақом санъатини радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари ва Интернет орқали Ўзбекистон ва чет элларда кенг тарғиб этиш.

4. Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигига:

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Мусиқий шарқшунослик кафедраси негизида "Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси" кафедрасини ташкил этиш, вилоятлардаги педагогик олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитишни жорий этиш;

мазкур таълим муассасаларига малакали мутахассислар, профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тегишли дарслик, ўқув қўлланма ва илмий-услубий адабиётлар билан таъминлаш;

республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият ва санъат коллежлари ва академик лицейларда мақом санъатини ўқитиш бўйича бўлимлар фаолиятини янада кучайтириш;

мақом санъатининг ижодий, илмий-услубий ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносиб давом эттириш мақсадида, таълим муассасаларига моҳир мақомчи санъаткорларни бириктириш ва шу асосда "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

5. 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгилансин.

Республика комиссиясига:

Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда Шаҳрисабз шаҳрининг Оқсарой майдонида мазкур анжуманни ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотларини барпо этиш бўйича таклифлар киритиш;

Халқаро мақом санъати анжуманининг илмий-ижодий концепцияси ва Низомини ишлаб чиқиш;

Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва миллий созлар лабораториясини ташкил этиш;

Шаҳрисабз шаҳар маданият саройини капитал таъмирлаш, ҳозирги вақтда Оқсарой майдонидаги мавжуд Мақом маркази ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятларини такомиллаштириш;

Халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш учун хорижий давлатлардан таниқли мусиқашунос олимлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар ва мутахассисларни таклиф этиш;

2018 йилдан бошлаб соҳада фаол ижод қилаётган санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши мақом хонандаси", "Энг яхши мақом созандаси", "Энг яхши мақом устози", "Энг яхши мақом тарғиботчиси", "Энг яхши ёш мақомчи" каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этиш;

Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Мақом маркази Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент радиоэшиттириш уйи" биносига ижара тўловисиз вақтинча жойлаштирилсин. (Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 49-уй)

Маданият вазирлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1 ой муддатда Мақом маркази учун замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида янги бино қуриш бўйича таклиф киритсин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз тизими учун бюджетдан ажратилган йиллик маблағлари доирасида доимий равишда "Тошкент радиоэшиттириш уйи"да овоз ёзиш студиялари ва техник воситалардан Мақом маркази учун бепул фойдаланиш ва Мақом ансамбли томонидан ижро этиладиган мусиқий асарларни ёзиб олиш, эфирга бериш ва тарғибот қилишни таъминласин.

7. Мақом йўналишида ижод қилиб келаётган ижодий жамоалар, ансамбллар 2023 йилгача барча солиқ тўловларидан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Мақом марказига 1 та енгил автомобиль ва 1 та автобус харид қилиш учун маблағлар ажратсин.

"Тошкент радиоэшиттириш уйи"да Мақом марказига ажратилган хоналарни жорий таъмирлаш учун маблағ ажратсин.

Мақом санъатини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий изланишлар, ўқув қўлланмалар, таржималар, илмий ва услубий адабиётларни нашр қилиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин.

9. Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда вилоятларда янги намунали мақом ансамблларини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига мақом санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш бўйича хорижий давлатлар билан олиб бориладиган барча ҳамкорлик ишларини ўрнатилган тартибда ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги мақом санъатини ривожлантириш бўйича бажарилган ишларни мунтазам равишда ёритиб бориш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 17 ноябрь*

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти бошланди.**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.**

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишлаб маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашлари ва БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг маҳаллий масалаларни ҳал этишда ёшлар иштироки лойиҳасининг Бухоро вилоятидаги координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшлар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

**• Наманганда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Адолат" билимдони" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган танловда 12 иштирокчи ўзининг сиёсий фаоллиги, Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз, "Адолат" социал-демократик партияси дастурининг мақсад-вазифалари ҳақидаги билимини намойиш этди.**

**• Хоразмда "Замонавий суд-ҳуқуқ тизими: ислоҳот ва қонунчилик, кадрлар салоҳияти, одоб-ахлоқи ва судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди. Семинарда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар замонавий, адолатли ва демократик суд тизимини яратишда энг муҳим омиллар, коррупцияга қарши курашишда Ўзбекистон ва хориж тажрибаси, соҳа ходимларининг намунали одоб-ахлоқи, судлар обрўси ва нуфузини оширишнинг муҳим шартлари мавзуларида маърузалар тингланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Германиянинг Бонн шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим бўйича 23-конференцияси бўлиб ўтди. Унда атроф табиий муҳитни оқилона асраш юзасидан бир нечта муҳим масалалар кўриб чиқилди.**

**• Чилида 1-тур Президент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ҳозирча собиқ давлат раҳбари Себастьян Пиньера 40 фоизга яқин овоз олгани ҳолда олдинда бормоқда. Агарда номзодлар керакли овозларни тўплай олишмаса декабрь ойида сайловларнинг 2-тури ўтказилади.**

**• Аргентина ҳарбий-денгиз кучлари 15 ноябрда Атлантика океанида бедарак йўқолган "Сан Хуан" сув ости кемасини излаётган пайтда кеча бир неча сония давомида тахминан шу кемадан еттита сигнал қабул қилинди. Ҳозирда сигналларни ўрганиш ва жадал қидирув ишлари давом этмоқда.**

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

## КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихига бағишланган архив ҳужжатлари кўргазмаси очилди.***




Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, депутатлар, судьялар, архив ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Мирбобоев ва бошқалар мамлакатимиз қўлга киритган барча ютуқ ва марралар пойдевори Конституциямиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Бош қомусимиз юртимиз равнақини белгиловчи, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаб, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим асосдир.

Мазкур кўргазма Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб этишга, унинг яратилиш тарихи ҳақида фуқаролар, айниқса, ёшларга кенгроқ тушунча бериш, уларнинг қалбида Ватанга садоқат, Бош қомусимиз ва қонунларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган кўргазма экспозициясида Бош қомусимиз тарихига оид ҳужжатларнинг асл нусхалари, Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнига оид тарихий ҳужжатлар, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан Конституция лойиҳаси матнларига қўлёзма тарзида киритган тузатишлари жой олган. Бундан ташқари вазирликлар, давлат қўмиталари, суд ва прокуратура органлари, ёзувчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, имом-хатиблар томонидан Асосий қонун лойиҳаси юзасидан йўллаган таклиф ва мулоҳазалари ҳамда халқимизнинг Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнидаги иштирокига оид материаллар жойлаштирилган. Кўргазмада Конституциямизнинг ўзбек, рус ва инглиз ҳамда бошқа тиллардаги илк босма матнлари нусхалари ҳам намойиш этилмоқда.

Тадбирда Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди, Конституциямизнинг қабул қилиниши тарихига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

– Бу кўргазма орқали Бош қомусимизнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумотга эга бўлиб, ушбу жараёнда бевосита иштирок этган инсонларнинг сўзларини тингладик, – дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Бунёд Қодиров. – Конституция ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдеворидир. Шундай экан, биз ёшлар ҳуқуқий билимларимизни янада бойитиб, Бош қомусимизни мукаммал ўрганишимиз, ҳаётимиз ва иш фаолиятимизни ушбу муҳим ҳужжат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб боришимиз лозим.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# САЙЛОВДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ – ЮКСАК САВИЯ ВА УЮШҚОҚЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

***2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов тобора ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу сана мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида тарих саҳифаларига муҳрланади. Боиси, 1993 йилдан бери илк бор Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилиб, унда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва ўзини-ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган номзодлар депутатлик мақомида азим пойтахтимизнинг равнақи ва юрт фаровонлиги йўлида фаолият бошлайдилар.***

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳам мазкур сайловларда муносиб қатнашиш, маҳаллий вакиллик органларидан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаш, пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш муҳим вазифалардан биридир.

Албатта, ЎзЛиДеП ўтган давр мобайнида катта сиёсий тажриба тўплади. Партия ўзининг 14 йиллик фаолияти давомида вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда муваффақиятли иштирок этиб, ғалаба қозониб келди. Хусусан, сўнгги 2014 йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловлар ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу сайлов якунларига кўра ЎзЛиДеП парламент қуйи палатасида 52 кишидан иборат энг йирик фракцияни тузишга муваффақ бўлди. Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда ҳам партиянинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, бугунги кунга келиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ЎзЛиДеП кўпчилик депутатлик ўринларига эга. Бу натижалар йирик депутатлик корпусига таянган ҳолда, партияга марказда ва ҳудудларда муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишга, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларини самарали ҳимоя қилишга асос яратмоқда.

Бундай фаолият аҳоли орасида партия обрўсининг ортишига, ЎзЛиДеП сафларининг тобора кенгайишига ижобий таъсир этмоқда. Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, айни пайтда аъзоларимиз сони 384 мингдан ошди. Уларнинг 52 мингга яқини Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Улар 1255 та БПТ атрофида бирлашган. Партия тобора яқинлашаётган халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашларига бўладиган сайловларга ана шундай салоҳият билан кириб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2017 йил 23 сентябрь кунидан – сайлов кампанияси расман эълон қилингандан буён партиямиз мазкур сайловда ҳар жиҳатдан фаол иштирок этишга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Партия томонидан шаҳар кенгаши ва туман ташкилотларида сайлов штаблари тузилиб, зарур шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситаларида номзодларнинг сайловолди дастурини тарғибот ва ташвиқот қилиш, депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва сайлов комиссиялари билан ишлаш, партиянинг ваколатли вакили, номзодларнинг ишончли вакиллари, кузатувчиларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш гуруҳлари шакллантирилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди. Партиямизнинг сайловда иштирок этиши учун тегишли ҳужжатлар сайлов участкаларига топширилди.

Қолаверса, Тошкент шаҳридаги барча туман Кенгашларининг конференциялари кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда халқ депутатлари туман Кенгашларига ЎзЛиДеПдан 330 та номзод кўрсатилди.

Сайловда муносиб номзодларнинг иштирок этиши юқори натижага эришишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу туфайли бугунги ислоҳотлардан яхши хабардор ва ўз фаолияти билан унга жавоб беришга қодир бўлган фаолларимиз орасидан муносиб номзодлар танлаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз ушбу сайловларда ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни Марказий Осиёнинг энг йирик марказларидан ҳисобланган Тошкент шаҳри ва унинг туманларида жадал олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга қаратмоқда.

Бунда хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтириш, тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соҳа ривожи учун зарур бўлган самарали инфратузилмани ривожлантириш каби муҳим масалалар партиямизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Партиямиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса бу соҳаларга ёшлар ва аёлларнинг кенгроқ кириб келишига эришиш орқали аҳолининг барқарор иш ўринлари билан таъминланиши, турмуш фаровонлиги ошишини таъминлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дарҳақиқат, ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш партиямизнинг доимий диққат эътиборидадир.

Бинобарин, бугун энг илғор ва тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини оширишда ўрта синф – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур соҳани қўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган бирор-бир давлат йўқ, десак асло муболаға бўлмайди. Қайси бир тараққий этган мамлакатнинг иқтисодий соҳада босиб ўтган йўлига назар ташламайлик, айнан тадбиркорлик соҳаси мамлакат иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини кўрамиз.

Шу билан бирга партия мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган Тошкент шаҳрини дунёнинг ривожланган мегаполисларига хос бўлган тамойиллар асосида ривожлантириш, шаҳарда юқори технологияларга асосланган, жаҳон бозорида рақобатбардош саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ахборот инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги узоқни кўзловчи мақсадларни амалга оширишни ўз олдида турган муҳим вазифа деб билади ва ушбу вазифаларни бажаришда айнан тадбиркорлик субъектлари етакчилик қилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларга кенг йўл очиш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини, қолаверса, инвестицион муҳитни янада яхшилаш масалалари партиямиз учун асосий мақсад бўлиб қолаверади. Айнан ушбу масалалар ЎзЛиДеПнинг Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига ўтказиладиган сайловлардаги иштирокида иқтисодий соҳадаги устуворликлари сирасига киради. Шунингдек, партия ўз фаолияти давомида хусусий мулк дахлсизлиги бўйича конституциявий тамойилни ҳимоя қилиб, уни ҳаётга изчил татбиқ этишда фаол қатнашади.

Албатта, мамлакатимиз тараққиётининг келгуси беш йилига мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг бекаму кўст амалга ошиши кўп жиҳатдан жойлардаги ислоҳотларнинг қандай боришига бевосита боғлиқ. Эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу дастурий ҳужжатда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда янги кичик бизнес субъектларининг кўпайишига шарт-шароитлар яратиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш борасида ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Шу маънода туманлар даражасида маҳаллий бюджетни қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш, шунингдек, туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаб, муҳим қарорлар қабул қилиш алоҳида аҳамият касб этади. ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундай амалиёт келгусида энг аввало пойтахт туманларининг ривожида муҳим ўрин тутиб, шакллантирилган бюджетни тўғри тақсимлаш, уни мақсадли сарфлашга ҳам хизмат қилади.

Умуман олганда, туман Кенгашларининг ташкил этилиши жойларда депутатлик назоратини кучайтириш, қолаверса, ҳудудлар ривожига қаратилган янги таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда долзарб аҳамиятга эга. Бунинг натижасида бевосита туман Кенгаши депутатлари аралашуви ва кўмаги билан ҳудудлардаги муаммолар ўз вақтида ечим топади. Биламизки, ҳар бир масалани аҳоли ичига кирмасдан, улар билан яқин мулоқот ўрнатмасдан, жойига бориб, чуқур ўрганмасдан ҳал этиш бугунги ислоҳотлар талабига асло тўғри келмайди.

Партиямизнинг ушбу сайловларда иштироки билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоиздан ортиғи, инвестицияларнинг 18 фоиздан, саноат маҳсулотларининг 20 фоиздан зиёди Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Кейинги вақтда ана шу кўрсаткичларни янада яхшилаш, пойтахтнинг иқтисодий имкониятлари ва салоҳиятини кўтаришга қаратилган янгича ислоҳотлар изчиллик касб этмоқда. Бу борада бир қатор истиқболли дастурлар қабул қилиниб, улар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Аҳамиятлиси, электротехника, машинасозлик, қурилиш-пудрат ташкилотлари, тиббиёт хизматларини кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, пойтахтимиз туманлари кесимида олиб қарайдиган бўлсак, Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопарклари ташкил этилади ва қиймати 102 миллиард сўм бўлган 285 та инновацион лойиҳа амалга оширилади. Бектемир туманида қиймати 20 миллион доллар бўлган, йилига 1500 та юк ташиш вагонларини қайта таъмирлаш лойиҳасининг ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, Миробод туманида "Нано Медик" корхонасида йилига 450 минг дона 9 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Бундай йирик лойиҳалар пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилиши белгиланган.

Кўриниб турибдики, ушбу аниқ ва мақсадли ишларни рўёбга чиқариш нафақат ижро ҳокимияти вакиллари фаоллигига, балки айнан тадбиркорлар ва ишбилармонлар номидан сиёсий майдонга чиққан ЎзЛиДеП ва унинг Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларида шакллантирилаётган депутатлик гуруҳлари фаоллигига ҳам боғлиқдир.

ЎзЛиДеП ушбу мақсадларга эришиш учун ўз ғояларига содиқ фаолларни депутатликка номзод сифатида кўрсатди.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур сайлов пойтахтимиз аҳолисининг ўз хоҳиш-иродасини тўғридан тўғри рўёбга чиқаришининг амалий ифодаси, катта ижтимоий-сиёсий тадбирдир. Юксак савия ва уюшқоқликни талаб этадиган ушбу сиёсий тадбирда ЎзЛиДеП муносиб иштирок этиш ва сайловчилар ишончини қозониш орқали ўз вакиллари воситасида жонажон пойтахтимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва аҳоли турмуш сифатини юксалтиришни кўзламоқда. Ишончимиз комилки, асосий электоратимиз ҳисобланмиш мулкдорлар қатлами ҳамда либерал-демократик ғоялар тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади ва бўлажак сайловда партиямиз Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларида ҳам энг кўп вакилларига эга бўлади.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ, ЮРТ ОБОДЛИГИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ!

***Ҳурматли сайловчилар – азиз ҳамшаҳарлар!***

***Сайловда ана шундай аниқ вазифаларни олдига қўйиб, Тошкент шаҳрини гўзал ва бетакрор марказга айлантиришни мақсад қилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларига овоз беринг!***

**ЎзЛиДеП**
**Тошкент шаҳар Кенгаши**

# СИФАТ – САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

***Табиат неъматлари, шу жумладан, электр қуввати ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар қанчалик кўп бўлмасин улар барибир чеклангандир. Шу сабабдан ҳам электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламаслик, ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш давлат аҳамиятига молик масалалар жумласига киритилган.***

Ноқонуний йўллар билан давлат мулки саналган табиий ресурсларни, шу жумладан, электр қувватидан фойдаланиш, уларнинг истеъмолига нисбатан эътиборсизлик қилиниши давлатимиз иқтисодиётига жиддий зарар етказиши мумкин.

Шу боисдан ҳам юртимизда мутасадди ташкилотлар томонидан электр тармоқлари орқали етказиб бериладиган электр қувватидан фойдаланиш ҳолатларини мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Бордию етказиб берилаётган электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик каби ножўя хатти-ҳаракатлар, қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса дарҳол тегишли чоралар кўрилади.

"Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг фаолиятини ва хусусан истеъмолчи ва фуқаролар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўлида сўнгги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай чора-тадбирлар жумласидан, Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилаётган "Очиқ эшиклар" куни ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқчимиз.

Бу каби тадбирларда электр энергияси истеъмолчилари томонидан тушган мурожаатлар қабул қилиниб, инспекция ходимлари ва энергия таъминоти корхоналари ходимлари томонидан юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатилиб, керакли маслаҳатлар берилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишимизнинг унумдорлигини, сифат ва самарадорлигини оширишга ҳамда электр энергиясидан тўғри фойдаланиш ва турли ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Дониёр АББАСОВ,**
**"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни бўлиб ўтган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселекторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам муҳим вазифалар белгиланди.***

**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**

# СЕМИНАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар ҳамда хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бўлимлари мутасаддилари, жамоат ташкилотларининг туман ва шаҳарлардаги раҳбарлари, маҳаллалар кенгашлари ижро аппаратлари ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари ҳамда "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари вакиллари қатнашди.

Семинарда мамлакатимизда илгари сурилаётган улкан ғоя ва ислоҳотлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш орқали ҳар қандай кўнгилсиз воқеаларга қарши ғоявий иммунитетини кучайтириш маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар учун энг долзарб масалалардан экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳужжатда кўрсатилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари ва улардаги жамоатчилик тузилмалари ишини жонлантириш, тизим фаолларининг жойлардаги давлат органлари, биринчи навбатда, ҳудудий профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан жорий йилнинг 13-18 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида, 20-25 ноябрь кунлари эса барча маҳаллаларда "Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш механизмлари" мавзуида ўқув-семинарларнинг ташкил этилишидан асосий мақсад ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда услубий-амалий жиҳатдан билим ва кўникма, йўл-йўриқлар беришга қаратилган.

– Маҳаллалар тинч ва осудалиги, уларда истиқомат қилаётган кексаю ёшнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ҳамда уларга ҳар томонлама кўмак бериш, қувончу ташвишига шерик бўлиш давлат идоралари қаторида нодавлат ташкилотлар ҳам бирдек масъулдир, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Омила Орипова. – Шу сабабли семинарда ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни тизимли ўрганиш, ёшлар тарбияси ва уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашда барча ташкилотларнинг ҳамжиҳатликда ишлашига алоҳида урғу берилди.

Ўқув-семинарда қайд этилганидек, бундан буён профилактик ҳисобда турган оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида уларга жамоатчилик тузилмалари бириктирилади. Жумладан, "Қайноналар кенгаши", Яраштириш ва Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар зиммасига нотинч оилалар, ажралиш учун ариза берганлар, жиноят содир этган хотин-қизларни маънавий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланиш белгиланган. Ушбу тадбирларни ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси масъул ҳисобланади.

"Нуронийлар" жамоатчилик кенгашига жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этган оилалар, ҳисобда турган вояга етмаганлар профилактикаси юклатилган бўлса, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, яккаёлғиз ва ногиронлар билан ишлашни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиялар зиммасига олади. Бандлиги таъминланмаган фуқаролар, уй-жойга муҳтожлар ҳамда уюшмаган ёшлар билан эса маҳалла раиси ва унинг ёшлар бўйича ўринбосари ҳамда йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия раиси шуғулланади.

Семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларига кенг жамоатчиликни жалб этиш, уларни малакали мутахассислар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар, спортчилар, ёш қаламкашлар, ибратли оила вакиллари иштирокида ўтказиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Бу каби ўқув-семинарлар мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

# БОШҚАРУВ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон Республикасида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда Давлат бошқаруви академиясининг роли" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқаруви органларининг раҳбар ходимларига қўйилаётган талаблар, уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Раҳбар ходимларни тайёрлаш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича академияда олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ҳақида Академия масъуллари ва профессор-ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш каби чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида мулоҳазалар юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари, хусусан, магистратуранинг икки йиллик таълим дастури бўйича грант ва тўлов-контракти асосида тайёрлаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида давомийлиги бир йилгача бўлган дастурлар бўйича қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида уч йилда бир марта давомийлиги бир ойгача бўлган қисқа муддатли малака ошириш тартиботлари ҳақида маълумот берилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**



# МЕТОДИСТ-ЎҚИТУВЧИ – БУГУНГИ ЗАМОН ЎҚИТУВЧИСИ

***Мирзо Улуғбек туманидаги 275-умумтаълим мактабида "Методист – ўқитувчи" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг 11 та туманидан ташриф буюрган хорижий тиллар услубчилари ва инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этишди.***

Тадбирда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда интерактив машғулотлар олиб боришди.

— Хорижий тиллар ўқитувчиларига бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда янгиликлар етказилиб, дарс ўтиш услублари ва билим савияси оширилмоқда, – дейди Мирзо Улуғбек тумани ХТМФМТТЭБ хорижий тиллар услубчиси А.Каримова. – Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида методист-ўқитувчилар фаолиятини жонлантириш вазифаси юклатилган.

Мирзо Улуғбек туманида 200 нафардан ортиқ хорижий тил ўқитувчилари бўлиб, улар орасида 121-умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси Фарида Турғуновани методист-ўқитувчи сифатида сайлашди. Методист-ўқитувчи чуқур билимга эга, ҳар томонлама бошқаларга ўрнак бўладиган-устоз бўлиши керак. Ф.Турғунова ўз устида мунтазам ишлайди, халқаро конференцияларда иштирок этган.

— Туманимиздаги 35 та умутаълим мактабида 230 нафар хориж тиллари ўқитувчиси иш олиб боради, – дейди Шайхонтоҳур тумани ХТМФМТТЭБ услубчиси Гулноза Раҳимова, – бу тадбирда методист-ўқитувчилар томонидан иштирокчиларга методик ёрдам сифатида керакли тавсиялар берилди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Федерация қошидаги Санаторий-курортлар бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар, тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларининг раҳбар ва мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Анжуманда сўз олган Федерация раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг 4-йўналиши Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланганлиги қайд этилиб, мазкур йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги эътироф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур дастурий ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўз тизимидаги санаторийларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш, сиҳатгоҳларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш орқали хизматлар сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

— Аҳоли саломатлиги муҳофазасида санаторий-курорт соғломлаштириш муассасалари ўзига хос ўрин тутади, — дейди Федерациянинг ахборот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 17 та санаторий ва 2 та дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу сиҳатгоҳларда ҳар йили ўртача 125 минг нафардан ортиқ киши ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлмоқда. Уларнинг қарийб 50 фоизга яқини касаба уюшмалари томонидан имтиёзли йўлланмалар асосида дам олдирилиб, соғломлаштирилади. Маълумот ўрнида жорий йилнинг 9 ойи давомида касаба уюшмалари тизимидаги 17 та санаторийда қарийб 98 минг нафар киши соғломлаштирилганини айтиш мумкин. Улардан 42 минг нафарга яқини имтиёзли, 13 минг 63 нафари бепул йўлланмалар асосида дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Хусусан, кўп болали, кам таъминланган ҳамда республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи оилалардан бўлган аёллардан 314 нафари, тиббиёт муассасалари ходимларидан 130 нафари, таълим муассасалари ходимларидан 137 нафари, ёш оилалар аъзоларидан 164 нафари бепул йўлланмалар билан соғломлаштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимдаги санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фақатгина жорий йилнинг ўзида Термиз шаҳрида жойлашган "Термиз марварида" санаторийсининг I босқичдаги 75 ўринга мўлжалланган биносининг қурилиши тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур санаторийнинг II босқичдаги 75 ўринга мўлжалланган биносини таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жиззах вилоятидаги "Зомин" санаторийсида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 132 ўринли "Она ва бола" бўлими биноси барпо этилди. Тошкент вилоятидаги "Оқтош" санаторийсида 66 ўринли ётоқ биноси, "Умид гулшани" санаторийсида янги ошхона ва маданият саройи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда фаолият кўрсатаётган шифокорлар малакасини ошириб бориш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, улар мунтазам равишда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув курсларида малака ошириб борадилар. Шунингдек, улар бир неча маротаба Чехия, Корея, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон каби давлатларнинг сиҳатгоҳларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтдилар. Матбуот анжумани давомида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида турли соҳа ходимларига яратилаётган имтиёз ва қулайликлар тизими ҳам кенгайтириб борилаётгани, хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлланмалар ажратиш муддати 5 йилдан 2 йилга қисқартирилгани, бугунги кунда аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимларнинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун имтиёзли йўлланма олиш имконияти яратилгани ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тўлиқ жавоб олдилар.

**Зарина РУСТАМОВА**

***Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси медиа-холл залида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишда ЎзННТМАнинг роли" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.***

# ФАОЛИЯТ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбирнинг асосий мақсади ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар масалаларни ҳал этишда ННТлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилди. Маълумки, Ассоциация 575 та нодавлат нотижорат ташкилоти саъй-ҳаракатларини ўзида бирлаштирган йирик фуқаролик жамияти институтидир.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Ассоциация кенгаши раиси А.Каримов ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча соҳалар каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтишди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бир қаторда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Матбуот анжумани давомида сўз олганлар Ассоциация томонидан Ҳаракатлар стратегияси ва "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтишди.

— Ассоциация 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аёллар ва ёшлар йўналишида асосий эътиборини уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, муносиб иш ўринларини яратишга кўмаклашиш масалаларига қаратди, — дейди ЎзННТМАнинг аёллар ва ёшлар йўналиши бўйича раис ўринбосари Насиба Миродилова. — Бугун аёллар ва ёшлар масаласи ҳар бир нодавлат нотижорат ташкилотининг диққат марказида турмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, тегишли чоралар кўрилди. Мисол учун, давлат дастурининг 99-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ томонидан Ассоциация ташаббуси билан "Осуда ҳаёт – тинчлик мезони" номли ҳужжатли фильм ишлаб чиқилиб, республикамизнинг 18 та касб-ҳунар коллежларида намойиш этилди ва "Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди", "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ассоциациянинг бевосита ҳуқуқий ва услубий кўмаги билан Фарғона вилоятининг "Лобар қизлар" ННТ томонидан вилоятнинг Ўзбекистон, Данғара, Учкўприк туманлари ва Муқимий шаҳарчасида уюшмаган ёшлар ва кам таъминланган оила аъзоларини бепул ўқишларга йўналтириб, 15 та ишчи ўрни яратилди. Шунингдек, Фарғона вилояти "Меҳржон" ННТ билан жами 150 нафар аёллар УТТ, рентген, лаборатория текширувлари ва шифокор назоратидан ўтказилди. Шунингдек, 35 та кам таъминланган оилалар ва 6 нафар ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Қолаверса, "Янги касблар – янги имкониятлар" шиори остида Фарғона вилоятининг Фарғона тумани чекка қишлоқ ҳудудларида икки хил йўналишда касб-ҳунарга ўргатиш учун ўқув маркази ташкил қилиниб, 60 дан зиёд қизлар касбга йўналтирилди. Ундан ташқари марказ томонидан аҳолининг ёрдамга муҳтож фуқароларига ҳуқуқий, психологик ва ҳар хил йўналишларда ёрдам кўрсатиб келинди. Ҳаракатлар стратегияси доирасида "Ўзбегим ёшлари", "Фаровон юрт" ННТлари билан ҳамкорликда ёшларни Ватанга, миллий маънавий қадриятларга меҳр-муҳаббатларини юксалтириш мақсадида бир қатор концерт дастурлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат гранти танловларининг эълон қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари сафининг кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Жумладан, фонднинг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТлар фаол иштирокини таъминлаш" мавзуидаги биринчи давлат гранти танлови якуни бўйича 51 та нодавлат нотижорат ташкилоти ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, Ассоциация томонидан "Халқ фаровонлиги йўлида – биргамиз!" шиори остида кичик грантлар танлови ҳам ўтказилди. Танловнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги етакчи жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат Мустақил экспертлар комиссияси тузилди. Комиссия томонидан 64 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар кўриб чиқилиб, шундан 18 таси ғолиб деб топилди. Уларга ажратилаётган маблағларнинг умумий қиймати 90 миллион сўмни ташкил этди.

Матбуот анжумани давомида иштирокчилар молиявий-хўжалик, аудит, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортишни самарали бошқариш бўйича ННТ вакилларини тизимли ўқитиш масалалари билан қизиқдилар. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни асраш каби соҳаларда, шунингдек, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотларда тўлақонли иштирокини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, маданиятлараро мустаҳкам алоқани ўрнатиш, халқимизнинг кўп асрлик тарихий, маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларини асрабавайлаш ва мустаҳкамлаш ишларида давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТлар ролини янада кучайтириш масалалари иштирокчилар диққат марказида бўлди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Ҳунар сирлари".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Ягона оилада".
10.00 "Шарҳ+".
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Кўрганларимиз ҳақида".
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.40 "Қорачиқ".
15.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.40 "Ҳаёт тилсими".
15.55 "Эл тинчлиги йўлида".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Перспективное партнерство".
17.45 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
18.30 "Парламент ҳаёти".
18.50 "Халқ қабулхонасида бир кун".
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Зиё" студияси.
20.30 "Қишлоқ ҳаёти".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Лойиҳадан натижагача".
22.10 – 23.45 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.45 "Кўрганларимиз ҳақида".
00.10 "Қишлоқ ҳаёти".
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Ягона оилада".
03.45 "Тантанавор кун". Б/ф.
05.10 – 05.55 "Ўзингни англа". Ток-шоу.

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Туташ тақдирлар". Т/с.
08.40 "Фан ва ёшлар".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
09.50 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
10.00 "Давр".
10.10 "Ҳаёт сўқмоқлари".
10.30 "Ёшлар студияси".
11.20 "General English".
11.50 "Давр мавзуси".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Айвон".
14.30 "Икки олам аро". Б/ф.
16.00 "Давр".
16.10 "Ҳаёт учун хавфли". Б/ф.
17.40 "Автопатруль".
18.00 "Сеҳрли узук". Т/с.
19.00 "Давр-репортаж".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Дугонажонлар". Т/с.
21.10 "What's up" ток-шоуси.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Яхши аёл". Б/ф.
23.50 "Автопатруль".
00.10 "Ҳаёт сўқмоқлари".
00.40 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "What's up" ток-шоуси.
02.00 "Мўъжизавий дунё".
03.30 "Дугонажонлар". Т/с.
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Обод хонадон".
11.45 "Пойтахт-авто" (рус.).
12.00 "Мобиль камера".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Халқ билан юзма-юз".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Энг ширин шоу".
18.00 "Тошкентнома".
18.20 "Пойтахт-вазият".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқот". /Тўғридан-тўғри эфир/.
21.05 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Рыцарь дня". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
00.05 "Очиқ мулоқот".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Энг ширин шоу".
02.05 "Poytaxt-reportaj".
02.15 "Профессионал".
02.35 "Пойтахт-вазият".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Ифтихоримсан, спорт!"
07.00 "Sport-online".
07.35 "Матонат".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
09.35 "Соғломжон-полвонжон".
10.00 Германия чемпионати шарҳи.
10.30 "Соғлом турмуш сари".
10.55 Самбо. Жаҳон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Техноспорт".
12.55 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Италия чемпионати. "Сампдория" – "Ювентус".
16.00 "Чемпион".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. АТР – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ёшлар спорти".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Жозиба".
19.30 "Шарқона Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.45 "Автограф судьбы".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Шедевр".
21.10 Самбо. Жаҳон чемпионати.
22.10 Италия чемпионати шарҳи.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Star cup".
00.35 "Машҳурлар".
01.00 Новости спорта.
01.10 "Жозиба".
01.35 Италия чемпионати шарҳи.
02.05 Баскетбол.
03.30 Самбо. Жаҳон чемпионати.
04.40 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
06.40 Кексалар даврасида: "Табаррук анъана".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.40 "Мутолаа завқи".
08.00 "Жавондаги жавоҳир".
08.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Илм қудрати".
10.00 "Репортер".
10.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
11.00 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
12.00 "Ноёб институт".
12.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
13.00 "Бир осмон остида".
13.30 "Биламиз-ку, аммо".
14.00 "Бола бошидан".
14.30 "Қариси бор уй".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
16.10 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.30 "Осуда ҳаёт".
18.00 "Аждодлар хазинаси".
18.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Шукрона".
20.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
20.50 "Мутолаа завқи".
21.00 "Ён қўшним – жон қўшним".
21.30 "Муаммо ва ечим".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Тунги репортаж".
23.10 "Қайнона бисотидан".
23.30 "Машварат".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
00.40 "Илҳом мавжлари".
01.00 "Қадр топган қадриятлар".
01.30 "Маҳалламиз маликаси".
02.00 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
02.50 "Мутолаа завқи".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Фермер".
04.00 "Аслидек асрайлик".
04.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Саодатли умр".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Табиатга саёҳат".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Бола бошидан".
08.40 "Рассом болажон".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
12.55 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.30 "Сеҳрли қўллар".
14.40 "Болажон ошхонаси".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.40 "Болажон меҳмонхонаси".
17.00 "Мультипанорама".
18.10 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.20 "Боғбон болажон".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Болажон устахонаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

## ЧОРШАНБА, 22

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Парламент ҳаёти".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
09.45 "Кунларнинг бирида".
10.00 "Бугуннинг мавзуси".
10.35 "Лойиҳадан натижагача".
10.55 Анонс.
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Зиё" студияси.
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.45 "Олий қадрият".
15.05 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.45 Анонс.
16.00 "Муқаддас қадамжолар".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Бизнес старт".
17.55 Анонс.
18.05 "Фикр. uz".
18.30 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Тараққиётнинг янги босқичи".
20.30 "Менинг боғим".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Устурлоб".
22.10 – 23.30 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.30 "Фикр. uz".
23.50 "Фусункор нақшлар". Х/ф.
00.15 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Менинг боғим".
03.50 "Катта хўжайин". Б/ф.
05.35 – 05.55 "Устурлоб".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Туташ тақдирлар". Т/с.
08.40 "Ош бўлсин".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "What's up" ток-шоуси.
11.00 "Online tahdid".
11.30 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Давр-репортаж".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Айвон".
14.30 "Бахтли тиш". Б/ф.
16.00 "Давр".
16.10 "Гўзал Ойсулув ҳақида ривоят". Б/ф.
17.30 "Зар замин".
17.50 "Сеҳрли узук". Т/с.
18.50 "Баркамоллик йўлидан".
19.10 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Дугонажонлар". Т/с.
21.10 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
21.20 "Ёнма-ён".
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Кутубхоначи". Б/ф.
00.00 "Ёнма-ён".
00.30 "Ҳикоя".
00.40 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Баркамоллик йўлидан".
01.50 "Мўъжизавий дунё".
03.30 "Дугонажонлар". Т/с.
04.10 "Айвон".
04.40 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
10.20 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Очиқ мулоқот".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Кесишмаган нуқта".
18.00 "Обод хонадон".
18.30 "Poytaxt-Hi-tech".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
20.30 "Poytaxt-авто".
20.45 "Poytaxt-интервью".
21.05 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Последний самурай". Х/ф.
00.05 "Poytaxt-reportaj".
00.20 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
00.50 "Poytaxt-интервью".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Мен сизга айтсам".
02.10 "Обод хонадон".
02.35 "Poytaxt-авто".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Мўъжизалар кемаси".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Шижоат".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 Баскетбол.
09.35 "Спорт сабоқлари".
10.00 Италия чемпионати шарҳи.
10.30 "Ёшлар спорти".
10.55 "Ифтихоримсан, спорт!"
11.15 "Жозиба".
11.40 "Поколение XXI".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Техноспорт".
12.55 Самбо. Жаҳон чемпионати.
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Италия чемпионати. "Интер" – "Аталанта".
16.00 "Болалар спорти".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.35 Теннис. АТР – WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бизнинг спорт".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Гол". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Матч бол".
21.15 Самбо. Жаҳон чемпионати.
22.20 Профессионал бокс.
23.15 "Машҳурлар".
23.40 "Бизнинг спорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Новости спорта.
01.40 "Матч бол".
02.05 Баскетбол.
03.30 Самбо. Жаҳон чемпионати.
04.40 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Шукрона".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
08.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
08.50 "Мутолаа завқи".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Муваффақиятим сирлари".
10.00 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
10.30 "Муаммо ва ечим".
11.00 "Илҳом мавжлари".
11.30 "Аждодлар хазинаси".
12.00 "Маҳалламиз маликаси".
12.30 "Қадр топган қадриятлар".
13.00 "Телевизион миниатюра".
13.30 "Тунги репортаж".
14.00 "Жавондаги жавоҳир".
14.30 "Табаррук анъана".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Халқ билан юзма-юз".
16.10 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
16.30 "Фермер".
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
18.00 "Томорқам – хазинам". "Репортер".
18.30 "Маҳалладошлар".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
20.00 "Жамият ва ҳуқуқ".
20.30 "Одоб дурдоналари".
21.00 "Маҳалла академияси".
21.30 "Под одним небом".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Маҳалламиз чавандозлари".
23.10 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Қариси бор уй".
01.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
01.50 "Мутолаа завқи".
02.00 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
02.30 "Осуда ҳаёт".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Таҳлил ва талқин".
04.00 "Машварат".
04.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Қайнона бисотидан".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Рассом болажон".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Бола бошидан".
08.40 "Боғбон болажон".
09.00 "Мультипанорама".
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Қувноқ стартлар".
12.55 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.20 "Сеҳрли қўллар".
14.30 "Болажон меҳмонхонаси".
14.50 "Мультипанорама".
16.30 "Саргузаштлар ороли".
17.00 "Мультипанорама".
18.10 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.20 "Болажон ошхонаси".
18.30 "Мультипанорама".
19.50 "Болажон устахонаси".
20.00 "Топағон болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.40 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

## ПАЙШАНБА, 23

*(Давоми 4-бетда)*

